# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2022 йил 10 март, № 51 (8113) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭРОН ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 март куни Эрон Ислом Республикаси Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Шамхоний бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**



Ўзбекистон — Эрон муносабатларини янада кенгайтириш масалалари ва минтақавий ҳамкорликнинг муҳим жиҳатлари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Али Шамхоний давлатимиз раҳбарига Эрон Президенти Иброҳим Раисийнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон етакчиси олий даражада эришилган келишувларга мувофиқ икки томонлама ҳамкорлик жадал ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, икки мамлакат етакчи корхоналари ва компанияларининг саноат кооперацияси кенгаймоқда. Ўтган ойда Теҳрон шаҳрида Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши ва бизнес-форум муваффақиятли ўтказилди. Яна бир қатор муҳим тадбирлар режалаштирилган.

Тошкент шаҳрида ўтган Хавфсизлик бўйича қўшма комиссия биринчи йиғилишининг амалий натижалари ижобий баҳоланди.

Суҳбат чоғида савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида шериклик лойиҳалари ва дастурларини илгари суриш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан, хавфи ортиб бораётган терроризм, экстремизм, трансмиллий жиноятчилик ва наркотикларнинг ноқонуний айланмаси таҳдидларига қарши курашиш масалаларида самарали ҳамкорликни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Афғонистонда юзага келаётган вазият ҳамда ушбу мамлакатдаги гуманитар инқирозни енгиб ўтишга зарур кўмак кўрсатиш чоралари юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЯНГИ ШАҲАРЧАНИНГ БОШ РЕЖАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 март куни «Янги Наманган» шаҳарчасининг иккинчи босқичи лойиҳаси билан танишди.**

Наманган шаҳри ҳам иқтисодиёт, ҳам нуфус жиҳатидан ўсиб бормоқда. Сўнгги беш йилда шаҳар аҳолиси 152 минг нафарга кўпайган. Шу даврда 300 дан зиёд кўп қаватли уйлар қурилиб, қарийб 65 минг фуқаро янги хонадонга эга бўлган.

Жумладан, "Янги Наманган" шаҳарчаси лойиҳасининг биринчи босқичида 330 гектар майдонда 8 минг 500 хонадонли 184 та уй-жой барпо этилди. Шунингдек, 145 гектар майдонда кичик саноат зоналари ташкил этилиб, 10 минг янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда Наманган шаҳрида 30 минг фуқаронинг уй-жойга эҳтиёжи бор. Келгуси йилларда шаҳар аҳолиси йилига 25 минг нафарга кўпайиши кутилмоқда.

Шу боис Шавкат Мирзиёев сайловолди дастурида Наманган шаҳрини "бир миллионлик шаҳар"га айлантириш ва "Янги Наманган" шаҳарчасини кенгайтиришни айтган эди.

Тақдимотда ушбу шаҳарчанинг иккинчи босқичи бош режаси кўриб чиқилди.

Унга кўра, 272 гектар майдонда 20 минг хонадонга эга 171 та кўп қаватли уй қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари уйларнинг сифати, инфратузилмаси қандай бўлиши билан қизиқди. Мутасаддиларга ҳозир кўп қаватли уйларда яшаётган одамлар ва талабгорлар билан учрашиб, уларнинг таклифларини олиш, шу асосида лойиҳани танқидий қайта кўриб чиқиб, батафсил режалаштириш бўйича топшириқ берди.

Ҳудудда уйларни ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини тўғри жойлаштириш, биноларда миллий ҳунармандчилигимизга хос безаклардан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Шаҳарча ҳудудида иш ўринлари ташкил этиш, хизмат кўрсатишни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Лойиҳага кўра бу ерда "Янги Ўзбекистон" боғини барпо этиш ҳам режалаштирилган.

Президентимиз боғ учун дарахт кўчатларини ҳозирдан етиштириш, кўп қаватли уйлар олдида ва йўл бўйларида ҳам дарахтлар экиш зарурлигини таъкидлади.

Наманган вилоятида кичик саноат зоналари инфратузилмасини яхшилаш, ички йўллар ва ичимлик суви тармоқларини таъмирлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Мутасаддиларга ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли ишини ташкил этиш, маҳаллаларда спорт майдончалари, маиший хизмат мажмуалари қуриш бўйича топшириқлар берилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлиғини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ислоҳотларни тизимли давом эттириш, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича **Миллий дастур** 1-иловага мувофиқ;

2022 — 2026 йилларда хотин-қизларнинг мамлакат иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш бўйича Миллий дастурни 2022-2023 йилларда амалга оширишга қаратилган **комплекс чора-тадбирлар режаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, **2022 йил 1 сентябрдан** бошлаб:

бюджет ташкилотларидан ташқари барча юридик шахсларда охирги 6 ой давомида узлуксиз иш стажига эга бўлган аёлларга **ҳар ой учун** минимал истеъмол харажатлари миқдоридан келиб чиққан ҳолда **Давлат бюджети** маблағлари ҳисобидан **ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси** тўланади;

мазкур юридик шахсларнинг ушбу банд иккинчи хатбошисида кўрсатилган ходимлар олдидаги мажбуриятлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланган ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси ҳажмида **камайтирилади**.

3. Хотин-қизларга таълим олишлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг илмий салоҳияти ва малакасини тизимли ошириб боришни қўллаб-қувватлаш мақсадида **2022/2023 ўқув йилидан** бошлаб:

а) олий таълим муассасалари, техникум ва коллежларда, шу жумладан, сиртқи ва кечки таълим шаклида ўқиётган хотин-қизларнинг таълим контрактларини тўлаш учун **7 йил муддатга фоизсиз** таълим кредитларини молиялаштириш мақсадида тижорат банкларига **Давлат бюджетидан ҳар йили 1,8 триллион сўм** ресурс маблағлари йўналтирилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошқулов) **икки ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган маблағларни ажратиш графигини тижорат банклари кесимида тасдиқласин;

б) давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган **барча хотин-қизларнинг контракт тўловларини** қайтариш шартисиз қоплаш мақсадида, **Давлат бюджетидан ҳар йили камида 200 миллиард сўм** молиялаштирилсин.

**(Давоми 2-бетда).**

## ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК БАРДАВОМДИР

*Аёл — вафо ва садоқат тимсоли, оилалар фариштаси. У гўзаллик, нафосат, меҳру муҳаббат рамзи. Аёлсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Хусусан, шарқона тарбия ҳақида гап кетганда, ўзбек оилалари доим ўрнак қилиб кўрсатилган. Зотан, фарзандни дунёга келтириб, ҳар томонлама баркамол, соғлом тафаккурли авлодни вояга етказишда онанинг ўрни беқиёс.*

### Муносабат

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилаётгани туфайли аёлларимиз бугун фарзандлар тарбияси билан бирга, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият, санъат, саноат ва бошқа соҳаларда самарали меҳнат қилиб, юртимиз ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келмоқда.

Ўтган даврда хотин-қизлар манфаатига қаратилган саъй-ҳаракатлар, қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бугун ўзбек аёлининг ҳам оила, ҳам жамиятдаги нуфузини юксалтиришга хизмат қилаётир.

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали байрам тадбирида юртимиз хотин-қизлари чинакамига эъзозу эътибор, қадр топди, десак, асло муболаға эмас. Унда давлатимиз раҳбари иштирок этиб, барчани самимий табриклади, хотин-қизларга юксак эҳтиромини билдирди.

➡ 3

## ХАЛҚАРО САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

*Кейинги ўн йилликларда инсоният улкан ютуқларга эришди ва баланд марраларни забт этди. Шунга қарамасдан, ҳали-ҳамон ўзини бехавотир ҳис эта олаётгани йўқ. Чунки дунё тараққиётига мос равишда хавф-хатарлар ҳам глобаллашиб бормоқда. Ана шундай хатарлардан бири, шубҳасиз, халқаро терроризмдир. Тўғри, бугун бутун дунё бир бўлиб, унга қарши курашяпти, аммо терроризм жаҳоннинг турли минтақаларида ўз қора қилмишларини намоён қилишда давом этмоқда.*

### Мушоҳада

Ёдингизда бўлса, бундан 15 йил илгари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан давримизнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган халқаро терроризмга қарши глобал стратегия ишлаб чиқилган эди. Негаки, терроризм ҳар бир миллат, халқ, минтақада барқарор ривожланишга, тинч аҳолига жиддий таҳдид сифатида қабул қилинди ва уни бартараф этмасдан туриб, тараққиётга эришиш мумкин эмаслигини бутун дунё теран англаб етди. Бугун барча давлатлар, халқаро тузилмалар, нодавлат ташкилотлар биргаликда ҳаракат қилсагина, кутилган натижага эришиш мумкинлиги ҳам маълум. Алоҳида ҳолда ҳеч бир давлат терроризмга бас келолмаслиги кундай равшан ҳақиқат.

➡ 4

## ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА УНИНГ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ АҲАМИЯТИ


Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори


*Тошкент шаҳрида 3-4 март кунлари ташкил этилган юқори даражадаги "БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" халқаро конференцияси терроризмга қарши кураш, унинг олдини олиш, молиявий манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш, хавфсизликни таъминлаш борасида ўзига хос мулоқот майдонига айланди.*

Анжуманда қатнашган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Марказий Осиё ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари, дипломатлар, экспертлар иштирокида 50 дан зиёд учрашувлар ташкил этилди.

Бевосита Ўзбекистон ташаббуси билан терроризмга қарши кураш соҳасида чақирилган биринчи халқаро конференция минтақа мамлакатлари ва жаҳон ҳамжамияти саъй-ҳаракатларини терроризмга қарши ҳамжиҳатлик билан курашишда бирлаштириш ҳамда фаоллаштириш учун даъват этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди. Буни бутун дунё тан олди.

ХХР, Россия, АҚШ, Европа Иттифоқи давлатлари, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ҳамда бошқа минтақалар мамлакатларидан келган 600 нафарга яқин юқори мартабали меҳмонлар, миллий ва хорижий таҳлилий марказлар етакчи экспертлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари бир ёқадан бош чиқариб инсоният олдида турган глобал таҳдидларни муҳокама қилдилар. Мақсад ҳам битта, тараққиёт сари якдилликда интилиш, хавфсизлик ва тараққиётга бўлган хатарларнинг олдини олишдан иборат бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг инсониятни ўйлантириб турган муаммолар ва таҳдидлар юзасидан саъй-ҳаракатларни бир нуқтада бирлаштиришдек улкан ғояси анжуманнинг муваффақиятли ўтишини таъминлади.

Бугун биз халқаро муносабатларда низоларнинг кучайиши, айрим мамлакатлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорлик даражасининг пасайишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Айни дамда дунёнинг турли минтақаларида кескинлик ўчоқлари сақланиб қолмоқда, қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Ижтимоий ҳаёт ва иқтисодий фаолиятнинг барча жабҳасига зарар келтирган пандемия БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишга ўта салбий таъсир қилмоқда. Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги инқирозли ҳодисалар дунёдаги тенгсизликни кучайтирмоқда, низоларнинг кескинлашуви хавфини жиддий оширмоқда ва шу аснода терроризм ғояларининг тарқалиши учун қулай муҳит яратмоқда. Шундай экан, тобора ортиб бораётган глобал ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларга қарши курашиш йўлида дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда Тошкент халқаро анжуманини ўтказишга сабаб бўлган омилларга тўхталсак. 2006 йили дунёнинг барча мамлакатлари БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини бир овоздан маъқуллаган эди. Ушбу ҳужжат терроризмга қарши курашда миллий ва халқаро саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга қаратилган кенг қамровли, умумэътироф этилган илк ҳуқуқий асос бўлди. Марказий Осиёнинг бешта мамлакати 2011 йилда уни рўёбга чиқаришга доир Қўшма ҳаракатлар режасини тасдиқлаб, биринчи бўлиб мазкур дастурий ҳужжатни минтақалаштириш бўйича намуна кўрсатди. Минтақа давлатлари терроризмга қарши кураш бўйича ўз миллий тизимларини шакллантирди.

➡ 4

### Ялпи мажлис

## МАМЛАКАТ РИВОЖИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг кеча бўлиб ўтган навбатдаги ялпи мажлисида ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор масалалар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди. Ҳар бир лойиҳани депутатлар қизғин муҳокама қилиб, фикр-мулоҳазаларини билдирди.*

### Солиқ маслаҳатчиларига қандай ҳуқуқлар берилмоқда?

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли тадбиркорлик фаол ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Энг муҳими, бизнес билан шуғулланиш истагида бўлган фуқаролар сони кўпаймоқда.

Албатта, соҳада эришилаётган натижалар қувонарли. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятини юритишда фуқароларимизга профессионал маслаҳат бера оладиган тажрибали солиқ маслаҳатчиларига эҳтиёж ортиб боряпти.

Хусусан, солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларида шаффофликни таъминлаш, солиқ маслаҳати хизматини давлатнинг янги солиқ сиёсатини самарали амалга ошириш, солиқларни ҳисоблаш, тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида шакллантириш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

➡ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ОИЛА ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ТИЗИМЛИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ИШЛАРНИ ЯНАДА ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошкулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **2022 йил 1 сентябрга** қадар давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичига тўлов-контракт асосида қабул қилинган ва таълим олаётган хотин-қизларнинг давлат олий таълим муассасалари кесимида рўйхатини шакллантирсин ҳамда **2022 йил 1 октябрга** қадар контракт тўловларини қоплаб берсин;

в) хорижий олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим дастурлари бўйича — **50 нафар**, магистратура таълим дастурлари бўйича — **10 нафар** хотин-қизларга **ҳар йили "Эл-юрт умиди" жамғармаси орқали қўшимча грантлар** ажратиб борилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) ушбу кичик бандда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун "Эл-юрт умиди" жамғармасига **ҳар йили** Давлат бюджетидан камида **6 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин;

г) **ҳар йили** Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитасининг (кейинги ўринларда — Қўмита) тавсияларига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан **150 нафардан** жами **2 100 нафар** ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг **таълим контрактлари маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари** ҳисобидан қайтариш шартисиз қоплаб борилсин.

Қўмита (З.Б.Махкамова) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошкулов) **икки ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш, уларга тавсиялар бериш ва таълим контрактларини қоплаб бериш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган **500 нафар хотин-қизларни ҳар йили** Қўмита тавсияномаларига асосан давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ **тўлов-контракт асосида** ўқишга қабул қилиш амалиёти жорий этилсин.

Қўмита (З.Б.Махкамова), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошкулов) ҳамда Давлат тест маркази (М.М.Каримов) **бир ой муддатда** мазкур кичик бандда назарда тутилган алоҳида квоталарни давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш, хотин-қизларга тавсиялар бериш, алоҳида тест синовларини ўтказиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

е) давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари **докторантурасига** хотин-қизлар учун **ҳар йили камида 300 тадан** мақсадли квота ажратиб борилсин.

Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахманов) ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошкулов) **икки ой муддатда** хотин-қизлар учун мазкур кичик бандда назарда тутилган мақсадли квоталар давлат илмий ташкилотлари ёки олий таълим муассасалари кесимида тасдиқланишини таъминласин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси, "Ўзтўқимачиликсаноат" уюшмаси ва "Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари" уюшмасининг:

асосан **хотин-қизларга дизайн, тўқимачилик, ахборот технологиялари, тармоқлар иқтисодиёти, маркетинг** ва талаб юқори бўлган бошқа таълим йўналишлари бўйича таълим берадиган **алоҳида университетни**;

ушбу университет ҳузурида пахта-тўқимачилик ва пиллачилик кластерлари иштирокида босқичма-босқич **ҳудудий техникумларни** ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қўллаб-қувватлансин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошкулов), Қўмита (З.Б.Махкамова), Давлат активларини бошқариш агентлиги (А.Ж.Ортиқов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) **икки ой муддатда** университет фаолиятини йўлга қўйиш, унинг моддий-техника таъминоти ва жойлаштирилиши бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Хотин-қизларни **илмий ва инновацион фаолият** билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Ю.Абдурахмонов):

Қўмита (З.Б.Махкамова) билан биргаликда **ҳар йили март ойида** амалий инновацион лойиҳалар бўйича **"Олима аёл" танловини** ўтказиб борсин;

**икки ой муддатда** "Бўлажак олим" танлови доирасида **"Аёллар бизнеси учун биринчи қадам" танловини** ўтказиш учун Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан камида **10 миллиард сўм** ажратилишини таъминласин.

6. Қўмита, Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хотин-қизлар илмий салоҳиятини ошириш, илмий тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ этиш, стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида Қўмита ҳузурида **"Олима аёллар жамияти"**ни тузиш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **бир ой муддатда** "Олима аёллар жамияти"ни ташкил этиш чора-тадбирлари бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда "Олима аёллар жамияти"га хотин-қизларни амалда қўллаб-қувватлаш ва янада рағбатлантириш учун Давлат бюджетидан **50 миллиард сўм** ажратилиши назарда тутилсин.

7. **2022 йил 1 июндан** бошлаб давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитишнинг янги тартиби жорий этилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги "Ишга марҳамат" мономарказлари ҳузурида **малакани баҳолаш марказлари** ташкил этилади;

малакани баҳолаш марказлари касбий малака талабларини ишлаб чиқади ва салоҳиятли таълим муассасаларига **давлат буюртмасини** беради;

ўқув курсларини тугатган хотин-қизлар билими даражаси **малакани баҳолаш марказлари томонидан аниқланади ва шу асосда уларга малака сертификатлари берилади**;

малака сертификатини олган хотин-қизларга меҳнат фаолиятини бошлаши учун **ўқиш харажатларига тенг миқдорда** малакани баҳолаш марказлари томонидан **субсидиялар берилади**;

малакани баҳолаш марказлари томонидан умумий ўрта таълим мактаблари, касб-ҳунар мактаблари, академик лицей ва коллежларнинг битирувчи синф **ўқувчи-қизларини ахборот технологиялари** йўналишларида қўшимча курсларда ўқитиш бўйича **давлат буюртмаси** берилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев), Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Ҳ.Тошкулов) ҳамда Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **бир ой муддатда** давлат ва нодавлат таълим муассасаларида давлат буюртмаси асосида хотин-қизларни касбга ўқитиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга асосан **2022 йилда** хотин-қизларни касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлашга кўмаклашадиган ҳамда уларнинг муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларига **17,1 миллиард сўм** миқдоридаги грант маблағлари ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**Қишлоқ жойларидаги аёлларни касбга ўқитиш**, **тадбиркорликка жалб қилиш ва иш билан таъминлаш** лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида **2023 йилдан** бошлаб:

**ҳар йили** нодавлат ташкилотларга базавий ҳисоблаш миқдорининг **7 минг** баравари миқдоригача грантлар бериш учун **Давлат бюджетидан камида 50 миллиард сўм** Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига ажратиб борилсин;

туман (шаҳар) **сектор штаблари** жойлашган биноларнинг камида **биттадан хонасида** ўқув курсларини ўтказиш учун зарур шароитлар яратилсин.

9. **2022 йил 1 сентябрдан бошлаб меҳнат ресурслари зич бўлган қишлоқ жойларининг реестри** (кейинги ўринларда — Реестр) жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (С.М.Холхўжаев):

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари билан биргаликда **2022 йил 1 июлга** қадар туманларда **меҳнат ресурслари зич бўлган** қишлоқ жойлари рўйхатини шакллантирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** Реестрни шакллантириш ва юритиш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Белгилансинки, 2022 йил 1 сентябрдан 2025 йил 1 январга қадар Реестрга киритилган ҳудудлардаги умумий ходимлари сони камида **10 нафар** бўлган ва уларда ишловчи хотин-қизларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди умумий меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг камида **50 фоизини** ташкил этадиган **кичик тадбиркорлик субъектларига**:

**Реестрга киритилган ҳудудда** жойлашган объектлар бўйича юридик шахсларнинг **мол-мулкига солинадиган солиқ** ва юридик шахслардан олинадиган **ер солиғи 50 фоиз** имтиёз қўллаган ҳолда ҳисобланади;

уларда ишловчи хотин-қизлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига **ижтимоий солиқ 1 фоизлик ставкада ҳисобланади**;

бюджет ташкилотларига йиллик умумий қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **750 баравaригача бўлган** маҳсулотларини тўғридан-тўғри сотиш ҳуқуқи берилади;

улар томонидан кўчмас мулк ижарага олинганда 3-иловага мувофиқ имтиёзлар берилади.

10. Олий Мажлис Сенати ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича **республика комиссияси таркиби тасдиқланганлиги**, Олий Мажлис Сенати Раиси **Т.К.Нарбаева** — комиссия раиси ҳамда Бош вазир ўринбосари **З.Б.Махкамова** ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси **Қ.М.Рафиков** — комиссия раиси ўринбосарлари этиб белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси (Т.К.Нарбаева) **бир ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **"Давлат бошқарувида хотин-қизлар фаоллигини ошириш дастури"**ни тасдиқласин ва ижрога қаратилишини таъминласин:

а) Давлат бошқаруви академиясида раҳбар хотин-қизларни тайёрлаш бўйича алоҳида ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ҳар йили камида **100 нафар** хотин-қизларни ўқитиш;

б) **2024 йил 1 январга** қадар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар ходимлари орасида хотин-қизларнинг **улушини камида 30 фоизга етказиш**;

барча давлат органлари ва ташкилотлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотлар раҳбарларининг камида **1 нафар ўринбосарини** хотин-қизлар орасидан тайинлаш. Бунда мазкур талаб тегишли ташкилот раҳбари хотин-қизлар орасидан тайинланганда ёки унда фақат бир нафар ўринбосар бўлган тақдирда мажбурий ҳисобланмайди.

11. Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури доирасида хотин-қизларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштириш учун **2022 йилда** қўшимча **1 триллион сўм** ажратсин.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастури координаторлари (С.М.Холхўжаев, А.А.Камалов, Д.Ш.Султанов) **2022 йилда** мазкур дастур доирасида ажратилаётган маблағларнинг жами **4 триллион сўм** қисми тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган хотин-қизларга йўналтирилишини таъминласин.

12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафаев) **уч ой муддатда** хотин-қизларнинг тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида халқаро молия институтларининг **300 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги молиявий ресурслари жалб этилишини таъминласин.

13. Белгилаб қўйилсинки, 2022 йил 1 апрелдан бошлаб:

тадбиркорлик фаолиятини янги бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга ажратилаётган **субсидия миқдори 7 миллион сўмдан 10 миллион сўмга** оширилади;

"Ҳунарманд" уюшмаси қошидаги ҳунармандчилик марказларида камида **40 фоиз** тадбиркор хотин-қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жойлаштирилади.

14. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартиш вазирлиги (С.М.Холхўжаев), Қўмита (З.Б.Махкамова) ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Б.Воитов) **икки ой муддатда** қуйидагиларни назарда тутувчи **2022 — 2024 йилларга мўлжалланган "Бизнес аёллар" дастури** лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тадбиркорлик субъектлари орасида хотин-қизларнинг улушини **40 фоизгача** етказиш;

хотин-қизларга ўз томорқасида гул ва мева-сабзавот етиштириш учун иссиқхона қуриш, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни йўлга қўйиш учун **35 миллион сўмгача** имтиёзли кредитлар ажратиш.

15. **2022 йил 1 июндан** бошлаб маҳаллаларда **хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва саломатлигини мустаҳкамлаш марказлари** (кейинги ўринларда — марказлар) ташкил қилинсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари марказларни барпо этиш учун ҳар бир маҳалладан **300 квадрат метргача** бўлган ер майдонини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ёки бўш турган давлат мулки объектини оператив бошқарув ҳуқуқи асосида маҳаллаларга ажратсин;

марказлар **туман (шаҳар) ҳокимликлари** томонидан маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ёки қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан барпо этилиши назарда тутилсин;

барпо этилган марказлар маҳаллалар томонидан **тикувчилик, қандолатчилик, фитнес, шейпинг, хотин-қизларни касбга ўқитиш** фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли ижарага берилсин.

16. Хотин-қизларнинг **уй-жой шароитларини яхшилаш** мақсадида:

а) **2022 йилда** ипотека кредитлари бўйича ажратиладиган субсидияларнинг камида **40 фоизи** хотин-қизларга йўналтирилсин;

б) **2022 йил 1 апрелдан** бошлаб уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган, шу жумладан, "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари" ва "Темир дафтар"га киритилган, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган вояга етган уй-жойга муҳтож хотин-қизларни ижара ҳуқуқи асосида вақтинчалик жойлаштириш учун ижтимоий уй-жойларни "Халқпарвар" комиссиялари билан келишган ҳолда иккиламчи уй-жой бозоридан сотиб олишга рухсат берилсин;

в) уй-жойга муҳтож, жумладан, хусусий уй-жой фондида ижара ҳуқуқи асосида истиқомат қилаётган "Аёллар дафтари"га киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларга улар томонидан тўланадиган ойлик **ижара тўловининг 50 фоизи**, лекин кўпи билан **500 минг сўмгача** бўлган қисми "Аёллар дафтари" жамғармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин. Бунда:

Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари ҳисобидан 2022 йилдан бошлаб **зарур маблағлар** ажратиб борилсин;

ушбу бандда кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш учун хотин-қизларга **ижтимоий контракт асосида** касб ўрганиш, меҳнат қилиш имконига эга бўлса, мустақил ёки Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида ишга жойлашиш бўйича **ижтимоий мажбуриятларни** юклаш тартиби жорий этилсин.

17. **2022 йил 1 апрелдан** бошлаб:

а) боқувчисини йўқотган хотин-қизларнинг:

фарзандлари давлат мактабгача таълим ташкилотларига тўланадиган **ота-оналар бадалидан озод қилинсин**;

**3 ёшгача** бўлган фарзандлари учун нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига **Давлат бюджетидан субсидиялар** белгиланган тартибда ажратилсин;

б) тўлиқ қувват билан ишламаётган давлат мактабгача таълим ташкилотларига **2 ёшдан 3 ёшгача** бўлган болаларни пуллик хизмат кўрсатиш шаклида қабул қилишга **рухсат берилсин**;

в) кечки сменада хотин-қизлар ишлайдиган корхона ва ташкилотлар ўз ҳузурида мактабгача таълим ташкилотини **ташкил қилганда**, улардаги **тарбиячиларнинг иш ҳақи Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб берилсин**.

Мактабгача таълим вазирлиги (А.В.Шин) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **икки ой муддатда** мазкур банднинг "в" кичик бандида назарда тутилган компенсация тўловларини амалга ошириш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Белгилансинки:

алимент тўловчининг бошқа ижро ҳужжатлари бўйича мажбуриятлари мавжуд бўлганда, қарздордан ундирилган маблағлар **алимент тўловлари бўйича қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва навбатда тақсимланади. Худди шу каби, ижро ҳаракатлари давомида қарздорга солинган жарималар ва ижро ҳаракатларини амалга ошириш харажатлари ҳам **алимент тўловларидан жорий қарздорлик тўлиқ қоплангандан сўнг** ундирилади;

алимент мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаб келаётган ва қидирувга эълон қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ижро органларининг **расмий веб-сайтларида жойлаштириш**, шунингдек, давлат оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш амалиёти жорий этилади. Бунда ушбу манбаларда қидирувдаги шахслар ва уларнинг мол-мулки тўғрисида маълумотга эга бўлган фуқароларга мажбурий ижро ва ички ишлар органларига хабар бериш имконияти яратилади.

19. Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) ва Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) **уч ой муддатда** алимент тўловларини ундириш тизими самарадорлигини ошириш юзасидан **қонун лойиҳасини** белгиланган тартибда киритсин. Бунда, шу жумладан, қуйидагилар назарда тутилсин:

а) алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартараф этилгунига қадар:

қарздорнинг транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини вақтинча чеклаш;

қарздорга лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга бўлган давлат хизматларини вақтинча кўрсатмаслик;

б) алимент бўйича қарздорлик мавжудлигини никоҳ тузиш учун монелик қиладиган ҳолат сифатида белгилаш.

20. Мажбурий ижро бюроси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **"Алимент тўловлари" давлат мақсадли жамғармаси** ташкил этилсин ва унга Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **50 миллиард сўм** ажратилсин.

Белгилансинки, суд қарори билан алимент тўлаш мажбурияти юклатилган шахслардан белгиланган маблағларни **уч ой** ичида ундириш имкони бўлмаган ҳолларда "Алимент тўловлари" давлат мақсадли жамғармаси маблағлари алимент тўловлари бўйича шаклланган **қарздорликни бир йўла тўлаш учун йўналтирилади** ҳамда кейинчалик алимент тўлаш мажбурияти юклатилган **қарздордан суд қарорисиз мажбурий тартибда ундириб олинади**.

Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **икки ой муддатда** "Алимент тўловлари" давлат мақсадли жамғармаси фаолиятини йўлга қўйиш, жамғарма маблағлари ҳисобидан алимент тўловларидан қарздорлик тўланадиган ҳолатлар ва шахслар тоифасини белгилаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, хотин-қизларга хос бўлган касалликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш мақсадида:

а) Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) **икки ой муддатда** юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган эҳтиёжманд **6 минг нафар** хотин-қизлар, реабилитация воситалари билан таъминланишга муҳтож бўлган **10 минг нафар** ногиронлиги бўлган хотин-қизлар рўйхатларини Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссиясига тақдим этсин;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев):

Қўмита (З.Б.Махкамова) билан ҳамкорликда **2022 йилда 3 миллион нафар хотин-қизлар онкологик скринингдан** ўтказилишини таъминласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Ш.А.Вафаев) билан биргаликда 2022 — 2025 йиллар давомида **227 та** туғуруқ комплекси ва **46 та** туманлараро перинатал марказларни тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг **105 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги маблағларини жалб қилсин;

в) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) **2022 йилда Давлат бюджети маблағлари** ҳисобидан қуйидагилар ажратилишини таъминласин:

юқори технологик тиббий ёрдамга муҳтож хотин-қизлар учун Давлат тиббий суғуртаси жамғармасига қўшимча — **100 миллиард сўм**;

ногиронлиги бўлган хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш учун Тиббий ва ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигига қўшимча — **17 миллиард сўм**;

барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари таркибидаги **"Онко-назорат" ("Cancer — назорат") аёллар кўрик хоналарини** тиббий асбоб-ускуналар ва тиббий воситалар билан жиҳозлаш учун — **20 миллиард сўм**;

9 — 12 ёшдаги 815 минг нафар ўсмир қизларни одам папилломаси вирусига қарши ҳамда 12 турдаги вакциналар билан эмлаш учун — **200 миллиард сўм**.

22. Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Бош прокуратура (Н.Т.Йўлдошев), Олий суд (К.Ф.Камилов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобожонов) ва Қўмита (З.Б.Махкамова) **2022 йил 1 июнга** қадар қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордер суд томонидан бир йил муддатгача берилишини белгилаш;

чет эл фуқароси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алимент мажбуриятларини бажармаганлик учун судланган ёки маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса, унга нисбатан Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ва Ўзбекистон Республикасига кириш ҳуқуқини чеклаш бўйича мажбурлов чораларини қўлламаслик;

аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

яқин қариндоши бўлган хотин-қизга қасддан тан жароҳати етказганлик учун жавобгарликни кучайтириш;

шахс ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи, шаъни ва номусини камситувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш;

икки ойдан ортиқ муддат мобайнида моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаган шахсга нисбатан ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ёки бошқа ишга мажбурий жалб қилиш тарзидаги маъмурий ҳуқуқбузарликка оид жазо турини белгилаш.

23. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Ж.Хаджаев) Қўмита (З.Б.Махкамова) ва Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) билан биргаликда **уч ой муддатда**:

иқтидорли қизларнинг ижодий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда интеллектуал ва инновацион ташаббусларини ривожлантириш мақсадида **"Билимдон қизлар" телекўрсатуви**;

турли соҳаларда ютуқларга эришган хотин-қизлар тўғрисида ибо-ҳаё, поклик, сабр-тоқат ва илмга интилиш сингари эзгу қадриятларни тарғиб қилувчи **"Аёл муваффақияти" рукнидаги теледастурлар** тайёрланиши ҳамда эфирга узатилишини таъминласин.

24. Фаровон ва барқарор оилаларнинг ҳаётий тажрибаларини оммалаштириш мақсадида оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий қадриятларни сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган оилаларга бериладиган **"Ибратли оила" кўкрак нишони** таъсис этилсин ва уни **15 май — Халқаро оилалар кунида** топшириш тартиби белгилансин.

Қўмита (З.Б.Махкамова) **бир ой муддатда** "Ибратли оила" кўкрак нишони тўғрисидаги низом лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

26. Қўмита (З.Б.Махкамова) **икки ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

27. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилиш мақсадида:

Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К.Нарбаева — 10-банд;

Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси А.А.Абдуваҳитов — 3-банд;

Бош вазир ўринбосари З.Б.Махкамова — 1, 4, 5, 22 — 25-бандлар;

Бош вазир ўринбосари Ж.А.Кўчқоров — 2, 6 — 9, 11, 13 — 16, 20-бандлар;

Бош вазир ўринбосари С.Ў.Умурзаков — 12-банд;

Бош прокурор Н.Т.Йўлдошев — 17 — 19, 21-бандларда назарда тутилган тадбирлар ижроси сифатли ва ўз вақтида таъминланиши учун масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Т.К.Нарбаева ва Бош вазир ўринбосари З.Б.Махкамова **ҳар уч ойда** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 март

# «ЯШИЛ МАКОН» УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ ВА ДАХЛДОРЛИК ҲИССИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ва "Яшил йиллик" умуммиллий тадбири асосида бошланган дарахт кўчатлари экиш ташаббуси кўп миллатли халқимиз томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди. Бу борада юртимизда фаолият юритувчи миллий маданий марказлар вакиллари ҳам ўзларининг муносабатини билдирди ҳамда миллий маданий марказлар раҳбарларининг халқимизга мурожаатномаси қабул қилинди.*

## Ташаббус

Унда таъкидланганидек, Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичида мамлакатимиз ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг маданияти, тили, урф-одати ва анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ёшларни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Табиийки, бу жараёнда юртимизда истиқомат қилаётган 130 дан ортиқ миллат вакиллари янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиш, жамиятимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу бежиз эмас. Берилаётган юксак эътибор юртимиздаги ҳар бир миллат ва элат вакилини янада катта ишларга руҳлантириб, умумий уйимиз бўлган жонажон Ватанимиз равнақи йўлида бутун куч-ғайрати ва салоҳиятини сафарбар этишга ундаётир. Зеро, янги Ўзбекистонни барпо қилиш, учинчи Ренессансга пойдевор қўйишдек улуғвор саъй-ҳаракатлар натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз замонавий қиёфа касб этаётгани, кўплаб ижтимоий иншоотлар барпо қилинаётгани барчамизга чексиз ғурур бахш этмоқда.

Асосийси, барча соҳада олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад — халқимизни рози қилиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш экани юртдошларимизда мамлакатимизнинг эртанги кунига дахлдорлик ҳиссини кучайтирмоқда.

Миллий маданий марказлар раҳбарлари қайд этганидек, бугунги кунда "Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари" тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида инсон қадрини улуғлашга йўналтирилган жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш алоҳида мақсад сифатида белгиланиши барчамизга катта масъулият юклайди. Айниқса, инсон қадрини улуғлашга қаратилган оқилона сиёсат асосида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманларда экологик аҳволни яхшилаш мақсадида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш миллатидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросидан бирдек шижоат кўрсатишни талаб этади.

Президентимизнинг ташаббуси билан бутун мамлакатимиз бўйлаб яшил майдонларни кенгайтириш мақсадида амалга оширилаётган бу эзгу лойиҳа доирасида ҳар йили камида 200 миллион туп дарахт экишдек савобли ишни ҳар биримиз иштиёқ билан амалга оширишимиз зарур.

Мурожаатномада "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси юртимизда яшаб келаётган барча миллат вакиллари манфаатини ифода этган ҳолда, яшил ҳудудларни ривожлантириш, кўкаламзорлаштириш ва кўчат экиш ишларини тизимли давом эттириш аҳолининг экологик маданиятини оширишга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга сазоворлигига урғу берилади. Зеро, турли миллатларнинг дўстлиги рамзи сифатида жойларда "Дўстлик ниҳоллари"ни ўтқазиш орқали ҳудудларда яшил боғларни барпо этиш нақадар ёқимли...

Шуларга мос равишда маданият ва истироҳат боғлари негизида яшил жамоат боғлари очилади ҳамда улар турли миллатлар маданиятини янада ривожлантиришга қаратилган фестиваллар ўтказиш майдонига айланади.

Шулардан келиб чиқиб, мурожаатнома муаллифлари ҳар йили куз ва баҳор мавсумларида кўчат экиш ва сақлаш ишларини ташкил этиш бўйича "яшил ҳафталик" тадбирларида миллий маданий марказлар фаоллари, турли миллат ва элат вакилларини алоҳида жонбозлик кўрсатишга чақиради. Айни чоғда Орол денгизи қуриган қисмида қўшимча яшил майдонлар барпо этиш, минтақани экологик инновация ва технологиялар ҳудудига айлантиришга ҳар ким муносиб ҳисса қўшиши лозимлиги айтилади.

Шунингдек, мурожаатномада: "Биз — турли миллат ва элат вакиллари дунёда азиз ва ягона бўлган Ватанимизни янада тараққий эттириш йўлида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида муносиб иштирок этишни ўзимизнинг шу қутлуғ замин олдидаги фарзандлик ва фуқаролик бурчимиз, деб биламиз. Ўзбек халқининг "Куч — бирликда" деган ҳикматли нақлига амал қилиб, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қиламиз", дейилади.

Ўз навбатида, муаллифлар барчани Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йилида амалга оширилаётган тарихий ислоҳотларга ўз ҳиссасини қўшиш ва "Ўзбекистон — умумий уйимиз", деган эзгу ғоя руҳида Ватанимиз равнақи йўлида бор куч-ғайрат ва имкониятини ишга солишга чақиради.

# ҲАР БИР АЁЛ ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

*Юртимизда яратувчан фаслнинг шукуҳи кезиб юрган айни қутлуғ кунларда ўз гўзаллиги, латофати, беназирлиги билан баҳорга тенглаштириладиган аёлларимиз қалбига ҳам ана шундай ёруғ сурур кириб келди. Негаки, аёлларни эъзозлаб яшаган, хотин-қизларга юксак эҳтиром кўрсатиш азалий қадрият саналган юртимизда бу йилги кўклам аёлларни ардоқлаш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги улуғвор қадам билан бошланди.*

## Мулоҳаза

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтириш ҳамда мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилиши ўз моҳияти билан халқимиз ҳаётидаги муҳим воқеалардан бўлди.

Аввало, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари бошчилигида юртимиз аёлларининг оғирини енгил қилиш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш масаласи давлат сиёсатининг муҳим йўналиши сифатида белгиланганлигини айтиб ўтиш жоиз. Энг муҳими, бугун жамиятимизда аёлларни эшитиш, муаммо ва таклифлари билан қизиқиш, қолаверса, бошқарувда улар салоҳиятидан унумли фойдаланиш ҳамда тадбиркорлигига кенг йўл очиш доимий эътиборда бўлиб келмоқда. Буларнинг туб замирида жамият, оила ва унинг гултожи саналган аёлларга юксак ҳурмат кўрсатиш, уларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча шароитни яратиш мақсади мужассам.

Йиғилишда мамлакат етакчиси “Бугунги кунда муҳтарама опа-сингилларимиз жамиятимизда олиб борилаётган ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида, бошқарув тизимида, тадбиркорлик, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида, маҳаллаларда қанчалик фидокорона меҳнат қилиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз”, дея алоҳида таъкидлади. Айни чоғда аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири эканлиги ҳамда бу борадаги саъй-ҳаракатлар янги ташкил этилган Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ёрдамида амалга оширилишига урғу берилди.

Эндиликда аёлларни ижтимоий ҳимоя қилишдан бошлаб, уларнинг саломатлигини тиклаш, бандлигини таъминлаш, намунали меҳнат шароитини яратиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва юксалтиришга қаратилган янги имкониятларни бериш, таълим олиш истагида бўлган хотин-қизлар учун кенг имтиёзлар тақдим қилиш ишлари тизимли йўлга қўйилади. Шу йўналиш билан боғлиқ таклифлар ҳам илгари сурилдики, бу нафақат юртдошларимиз, балки халқаро жамоатчиликнинг ҳам ҳавасини уйғотди, десак, муболаға эмас.

Биргина мисол, 2022 — 2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилиниши орқали тадбиркор аёллар улуши ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказилади. Улар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун қўшимча равишда 2022 йил 1 июнга қадар 300 миллион доллар жалб қилиниши, 2022 йилда оилавий тадбиркорликка 3 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳам хотин-қизлар тадбиркорлиги салмоғи сезиларли даражада ўсишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Яна бир эътиборли жиҳати, аёлларнинг бошқарувдаги ўрни борасида қайғуриш зарурлиги таъкидланди ва давлат бошқарувида аёллар фаоллигини ошириш дастурини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Шу мақсадда Давлат бошқаруви академиясида раҳбар аёлларни тайёрлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилиб, ҳар йили камида 100 нафар аёл ўқитилади.

Мухтасар айтганда, “Аёл бахтли бўлса, жамият ҳам бахтли бўлади!”, деган тамойил асосидаги эзгу саъй-ҳаракатларимиз янада кенг қулоч ёзади. Ва хотин-қизларни ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ мутлақо янги давр бошланмоқда. Табиийки, биз, хотин-қизлардан қандай вазифада ишлаш ва меҳнат қилишимиздан қатъи назар, шу хайрли мақсад йўлида фидойилик кўрсатишимиз талаб этилади.

**Малика ҚОДИРХОНОВА,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.**

# ХАВФСИЗЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ҲАМКОРЛИГИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

**Тошкентда 9 март куни Хавфсизлик бўйича Ўзбекистон – Эрон қўшма комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.**

Делегацияларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби Виктор Маҳмудов ва Эрон Ислом Республикаси Миллий хавфсизлик олий кенгаши котиби Али Шамхоний бошчилик қилди.

Ўзбекистон ва Эрон ўртасида кейинги йилларда ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш ва конструктив ҳамкорлик тамойиллари асосидаги муносабат янги босқичга кўтарилгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Иброҳим Раисий саъй-ҳаракатлари туфайли давлатлараро алоқани ҳар томонлама чуқурлаштириш учун мустаҳкам пойдевор яратилгани алоҳида таъкидланди.

Томонлар халқаро терроризм ва диний экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотрафик ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хатарларга қарши курашиш борасида ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Учрашув чоғида Афғонистондаги мавжуд вазият шароитида хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликнинг амалий механизмини такомиллаштириш ва минтақада барқарор ривожланишни таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш ва Афғонистонни минтақавий жараёнларга жалб қилиш учун сиёсий, савдо-иқтисодий воситалардан самарали фойдаланиш орқали ушбу мамлакатни қўллаб-қувватлаш муҳимлигига урғу берилди.

Икки давлат ваколатли идораларининг биргаликдаги ҳаракатларини мувофиқлаштириш, минтақавий хавфсизлик ва барқарор ривожланиш билан боғлиқ ҳамда икки томонлама кун тартибидаги бошқа долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича қўшма қарорлар ишлаб чиқиш учун Ўзбекистон ва Эрон Хавфсизлик кенгашлари ўртасида маслаҳатлашувларнинг доимий механизмини яратиш зарурлиги эътироф этилди.

Тадбир давомида хавфсизлик соҳасида Ўзбекистон — Эрон ҳамкорлиги кўламини янада кенгайтириш бўйича икки томонлама ташаббус ва тавсиялар илгари сурилди. Биргаликдаги ҳаракатларни ривожлантириш суръатини ошириб бориш, фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш ҳисобига саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш муҳимлиги ўзаро маъқулланди.

Йиғилиш якунида хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни назарда тутувчи Хавфсизлик бўйича Ўзбекистон — Эрон қўшма комиссиясининг биринчи мажлиси баённомаси имзоланди.

**Улуғбек МАҲМИРЗАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒЛАНГАН ЮРТДА ТИНЧЛИК БАРДАВОМДИР

← 1

Президентимизнинг тантанали маросимдаги нутқини катта эътибор ва ҳаяжон билан тинглаб, ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга интилаётган аёл сифатида яна бир бор қалбимда ғурур ва ифтихор туйғуси ортди.

Тарихий нутқда “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” деган эзгу тамойил асосида, 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилгани алоҳида таъкидланди. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилгани эътиборга молик.

Албатта, ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб бериши, оқила ва ўқимишли оналар миллатнинг буюк келажагини яратиши барчамизга яхши маълум. Донишмандлар ҳам “Битта қиз болани ўқитсангиз — бутун оилани ўқитган бўласиз”, деб бежиз айтмаган. Бунинг замирида жуда катта маъно мужассам. Бу борада қизларимизнинг замонавий билимлар ва касб-ҳунар эгаси бўлиб, жамиятда ҳамда ўз оиласида муносиб ўрин топиши учун бошланган ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилиши, хусусан, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш миллий дастури қабул қилиниши она сифатида нафақат мени, балки миллионлаб ўзбек аёлларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшиб, уларни янги марралар сари руҳлантиргани рост.

Умуман, тантанали маросимдаги нутқ, шубҳасиз, халқимиз, Ватанимиз ҳаётидаги энг ёрқин тарихий воқеалардан бири бўлди, десам, муболаға эмас. Бу, бундан буён Ўзбекистонда ҳеч бир аёл давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигини англатади. Зеро, нутқда эришилган ютуқлар билан бирга, келгусида қилинажак истиқболли таклифлар ўртага ташланди.

**Мавлуда ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**



# ЮКСАК МУКОФОТ УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР

*Кейинги йилларда юртимизда хотин-қизлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни биз, аёлларга берилаётган юксак эътибор, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ва натижада давлат бошқаруви соҳасида опа-сингилларимиз сони тобора ортиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.*

## Дил сўзи

Энг муҳими, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш борасида кўрилаётган эзгу саъй-ҳаракатларга жавобан улар янада фаол бўлишга ва жамият равнақи йўлида янгидан-янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришга интилмоқда.

Бу каби имкониятлар ва улкан ишонч ўзимнинг фаолиятим давомида ҳам куч бериб келмоқда, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Хусусан, шаҳримизда кейинги йилларда салмоқли ишлар бажарилди. Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлашдан тортиб, тадбиркорликни янада ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш, ҳудудимиз инфратузилмасини яхшилаш доимий эътиборимизда бўлиб келяпти. Буни каттақўрғонликлар ҳам, шаҳримизга келган меҳмонлар ҳам бот-бот эътироф этаётир.

Шу йил 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни арафасида камтарона меҳнатим давлатимиз раҳбари томонидан “Дўстлик” орденига муносиб кўрилганидан ғоят бахтиёрман.

Гапнинг очиғи, мукофотни олиш учун саҳнага кўтариларканман, юксак сурур ва ҳаяжон таъсирида эдим. Кейин дарҳол ўзимни қўлга олиб, давлатимиз раҳбарига, албатта, бундан кейин ҳам шижоат ва фаоллик кўрсатиш ҳамда зиммамдаги масъулиятни юракдан ҳис этган ҳолда меҳнат қилишга ваъда бердим. Халқимизда “Сўз исботи билан қадрли”, деган гап бор. Шу боис айни пайтда янги-янги режаларни мўлжаллар эканман, улар муваффақиятли амалга ошгач, Каттақўрғон шаҳри янада обод бўлиши, аҳолимизнинг эртанги кунга ишончи бундан-да мустаҳкамланишига ишончим комил.

Кези келганда айтишим жоизки, ушбу юксак мукофот барча каттақўрғонликлар меҳнатига берилган баҳо, деб биламан. Айни чоғда ёнимда туриб далда бўлган, интилишларимизга кўмаклашган, муваффақиятларимиздан бирдек қувонган барча Каттақўрғон аҳлига таъзим қиламан.

Шубҳасиз, юксак давлат мукофоти янги марралар сари рағбат берди. Бугун ўз олдимга улкан мақсадларни қўярканман, бу билан аввало, Президентимиз ва халқимиз билдирган ишончни оқлашга ҳаракат қиламан. Барча йўналишда бошлаган ишларимизни изчил давом эттириб, Каттақўрғон шаҳрини энг намунали, энг кўркам шаҳарга айлантирамиз.

**Гавҳар АЛИМОВА,**
**Каттақўрғон шаҳар ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Дўстлик» ордени соҳибаси.**

# ЕР УЧАСТКАЛАРИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

*Ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг бузилиш ҳолатларини барвақт аниқлаш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашларининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.*

## Қарор ва ижро

Тадбирда шу йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори ижросини самарали ташкил қилиш ҳамда соҳада йўл қўйилаётган муаммолар тўғрисида сўз юритилди.

Халқимиз бойлиги бўлган ер участкаларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларига ҳалигача барҳам берилмагани, турли схемалар ишлатиб ерларни талон-торож қилиш, ноқонуний ер сотиш билан боғлиқ жиноятлар кўлами кенгайиб бораётгани ҳақида аниқ мисоллар келтирилди.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини қўллашда вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни маҳаллий Кенгашларда муҳокама қилиш, қонун талабларига риоя этиш аҳволини мунтазам ўрганиб боришда парламент назоратини кучайтириш, миллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда, ердан оқилона фойдаланиш бўйича илғор хорижий тажрибани жорий этиш каби масалаларга эътибор қаратди.

Тадбирда Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадоев юқорида келтирилган қарорнинг саккизинчи бандига алоҳида тўхталди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимликлари ўзларининг юридик хизматлари, ҳудудий адлия ва прокуратура органлари билан биргаликда маҳаллий вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг ер участкалари бериш ҳақидаги қарорларини жадвал асосида хатловдан ўтказишда, умуман, ушбу ҳужжатни бажаришда бир хил ёндашувни қўллаш учун алоҳида қўлланма билан таъминлаш мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан қишлоқ хўжалиги ерларини асрашга қаратилган ишларни кучайтириш, Президент Фармон ва қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

# ЖАМИЯТ МЕЗОНИНИ БЕЛГИЛОВЧИ КУЧ

*Диёримизда азалдан оналаримиз оила тимсоли, эзгулик ва куч-ғайрат манбаи бўлган аёлларимиз улуғлаб келинган. Зеро, оила ва жамият устуни бўлган аёллар билан ҳаётимиз гўзал ва мазмунли, хонадонимиз обод ва нурафшон. Хотин-қизларини ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ эса ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган миллат сифатида ҳурмат қозониши, шубҳасиз.*

## Фикр

Дарҳақиқат, кейинги йилларда мамлакатимизда нозик ҳилқат вакилларига бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Юртимиз аёллари ўз ҳаётидан мамнун яшаши, юрт корига ярайдиган фарзандларни тарбиялаши, барча соҳада юксак марраларни забт этишлари учун давлатимиз томонидан зарур шароитлар яратилмоқда.

Муҳими, бугун Ўзбекистонда ҳеч бир хотин-қиз давлатимиз ва жамиятимиз эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Буни “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди” деган эзгу тамойил асосида 2021 йилда 900 мингга яқин хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий ва психологик ёрдамлар кўрсатилгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу мақсадлар учун бюджетдан 2 триллион сўм маблағ йўналтирилгани илгари тарихда бўлмаган воқеликдир.

Яна бир ҳаётий мисол. Биргина 2021 йилнинг ўзида хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида 2 триллион сўмдан зиёд кредит ва субсидиялар ажратилгани натижасида 320 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз доимий иш ва даромадга эга бўлди.

Президентимизнинг 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқини диққат билан тинглар эканман, келгусида диёримизда хотин-қизларга бўлган эътибор янада ошишига амин бўлдим.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида “Биз жонажон Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини бунёд этишни ўз олдимизга буюк мақсад қилиб қўйганмиз. Бу эзгу ва шарафли йўлда энг аввало, оиланинг муқаддас қадриятларига ва чин мураббий бўлган оналаримизнинг теран маънавиятига таянамиз”, дея алоҳида таъкидлади.

Нутқда айтиб ўтилганидек, биз мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириш учун янги тарихий даврга қадам қўйдик. Демак, фарзандларимиз қалбига улуғ мақсадлар, олижаноб ғояларни сингдириш — барча Ўзбекистон оналарининг шарафли бурчи. Зотан, юксак фазилатли, мард ва жасур, ватанпарвар ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш албатта, аёлларимизга боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, хотин-қизларимиз зиммаларидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этиб, қайси соҳада бўлмасин, самарали меҳнат қилиб, юрт равнақи, халқ фаровонлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Энг муҳими, улар жамиятимиз ва давлатимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазифаларни ҳал этишда эркаклар билан тенг равишда, фаол қатнашаётир.

Умуман олганда, бугун Ўзбекистон бахтиёр хотин-қизлар диёри сифатида дунёга танилди. Ҳар бир аёл, аввало, она сифатида эъзоз топмоқда. Бугунги ривожланишнинг янги даврида аёлларимиз ислоҳотларда шунчаки иштирокчи эмас, балки уларнинг ижрочиси бўлиб хизмат қилиши, албатта, кўзланган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлади.

**Муқаддас ТИРКАШЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ҚУЙИ ПАЛАТА ФАОЛИЯТИ — ОЧИҚ ВА ШАФФОФ

*Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаати йўлида хизмат қилишга қаратилган. Шу сабабли сўнгги беш йилда давлат сиёсатининг очиқлигини таъминлашга, хусусан, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида очиқлик даражасини янада оширишга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.*

## Таҳлил

Қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, халқчил давлат барпо этишга қаратилган ҳаракатлар кун сайин ижобий натижа бераётгани ҳам барчага маълум.

Айниқса, халқ ўзи сайлаган депутатлар фаолиятидан хабардор бўлиши, жойларда аҳолини қийнаётган муаммоларни бартараф этиш чоралари қабул қилинаётган қонунларда акс эттирилишини кузатиб бориш имкониятининг яратилгани давлатга ва бугун олиб борилаётган сиёсатга бўлган ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига янгича мазмун олиб кирди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисларини тўғридан-тўғри эфирга узатиш амалиёти йўлга қўйилди.

### Ялпи мажлисларни тўғридан-тўғри эфирга узатишнинг аҳамияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2021 йил якунларига бағишланган йиғилишида давлат ва жамият ҳаётига дахлдор муҳим масалаларга халқимизнинг фикри, талаб ва истакларини эътиборга олган ҳолда ечим топилаётгани, мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишларга ҳамоҳанг тарзда парламент фаолиятида ҳам очиқлик ва шаффофлик бош мезонга айланаётгани алоҳида таъкидланди. 2021 йил 1 декабрдан бошлаб, парламент палаталари мажлисларини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали жонли эфирга узатиш амалиёти йўлга қўйилди ва жараёнлар “Ўзбекистон” ва “Узрепорт” телеканалларида тўғридан-тўғри эфирга узатилмоқда.

Шундан буён мазкур телеканаллар ҳамда Қонунчилик палатасининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали палатамизнинг жами 18 та мажлиси жонли эфирга узатилди.

Аслида ҳам, ҳуқуқий демократик давлатда ошкоралик принципи муҳим сиёсий тизим бўлиб, унинг институтлари фаолияти, ижтимоий-сиёсий ҳаётда юз бераётган жараёнлар ҳақида оммага тўлиқ маълумот бериб бориш ниҳоятда муҳим ва у айнан ошкоралик принципи орқали амалга оширилади.

Ижтимоий тармоқларда ҳамда “Ютуб (YouTube)” видеохостингида “Олий Мажлис Қонунчилик палатаси” номли расмий саҳифалар очилди. Ушбу саҳифалар орқали Қонунчилик палатаси мажлислари, фракция ва қўмиталар йиғилишлари, “Ҳукумат соати” тадбирлари кенг ёритиб борилмоқда.

Қонунчилик палатасининг тўғридан-тўғри эфирга узатилган мажлисларида жами 111 та масала кўриб чиқилди. Бу амалиёт аҳолининг қуйи палата фаолияти ва қонунларнинг муҳокама қилиниш жараёнларига бўлган қизиқишини оширди. Асосий мақсад — қонунлар мазмун-моҳиятини халқимизга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш, қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлаш.

### «Бўларкан-ку ошкора ишласа...»

Қонунчилик палатаси ялпи мажлисларини “Ўзбекистон” ва “Узрепорт” телеканаллари, Қонунчилик палатасининг “Facebook” ва “Узрепорт” телеканалининг “YouTube”, “Instagram” ва бошқа ижтимоий тармоқларида тўғридан-тўғри кузатаётганлар сони ҳар бир мажлисда кўпайиб бораётганини таҳлиллар ҳам кўрсатиб турибди.

Масалан, жорий йилнинг 2 март куни ўтказилган мажлис фойдаланувчилар томонидан жами 6 минг 534 маротаба, шундан “Facebook”да 483 марта, “YouTube”да эса 6 минг 51 марта кузатиб борилган.

Қонунчилик палатаси мажлисларида кўриб чиқилиши режалаштирилган масалалардан жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиш учун Қонунчилик палатаси Кенгашида тасдиқланган кун тартиби лойиҳасини ялпи мажлис ўтказилишидан бир-икки кун олдин палатанинг расмий веб-сайтида эълон қилиб бориш, ялпи мажлис ҳар ҳафтанинг сешанба куни ўтказилишини белгилаш кузатувчиларимизга доимий тарзда аниқ маълумотга эга бўлиш имкониятини бермоқда.

### Ҳар бир таклиф эътиборда, танқид ҳам...

Қонун лойиҳалари муҳокамага қўйилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси расмий веб-сайтида, шунингдек, тўғридан-тўғри эфир пайтида кузатувчилар томонидан келиб тушган таклифлар муҳокама қилинади. Қайд этиш керакки, жонли эфир вақтида қонун лойиҳаси юзасидан келиб тушаётган таклифларнинг ҳисобини юритадиган махсус Мониторинг гуруҳи ташкил этилган.

Ушбу гуруҳ барча таклифларни тегишли қўмиталарга етказади ва улардан қонун лойиҳасини такомиллаштиришда фойдаланилади. Таклифлар асосида қонун лойиҳасидаги мавжуд нормаларга 2021 йилда 130 дан ортиқ таҳририй тузатишлар киритилган.

Тўғридан-тўғри эфир вақтида жараёнга хайриҳоҳ, бетараф ва танқидий муносабатда бўлаётган кузатувчилар ҳам бор. Муҳокамаларни тушунмай нотўғри муносабат билдираётган кузатувчиларимизга мутахассислар томонидан ҳуқуқий маслаҳат бериш ва тушунтириш ишлари йўлга қўйилган.

Хусусан, 2 март куни бўлган ялпи мажлис тўғрисида маълумот берадиган бўлсак, кун тартибига киритилган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамалар марказида бўлди.

Шу йил 9 март куни бўлиб ўтган ялпи мажлисда Президентимизнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбиридаги нутқи мазмун-моҳиятини, ундаги хулосалар ва келгусида хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш борасидаги вазифалар ҳақида гап борди.

Ялпи мажлис кун тартибига киритилган 7 та қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Муҳокамаларда депутатлар билан биргаликда мутахассислар ҳам фаол иштирок этди.

Соат 14.00 ҳолатига кўра фойдаланувчилар томонидан 3 минг 676 маротаба, шундан “Facebook”да 328 марта, “YouTube”да эса 3 минг 348 марта кузатиб борилди. Хусусан, “Facebook”да йиғилиш бўйича 10 нафар фойдаланувчи томонидан 14 та муносабат билдирилди.

“YouTube”да 100 дан зиёд фойдаланувчилар томонидан 200 дан ортиқ муносабатлар билдирилган бўлса, “Facebook” ва “YouTube” тармоқларида ушбу мажлис тафсилотлари юзасидан билдирилган муносабатларни таҳлил қилиб, уларни “Таклиф” (27 та), “Танқид” (43 та) ва “Умумий фикрлар” (68 та) деган туркумларга ажратиш мумкин.

### Фикрлар хилмахиллигини қадрлаймиз!

Эътиборли жиҳати, тўғридан-тўғри эфир пайтида кузатувчилар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирмоқда. Уларнинг кўплари депутатлар фаолиятини ижобий баҳоласа, айримлари танқидий руҳга эга. Масалан:

...Зокиржон Юсупов *“Қонунларнинг илдизигача ўрганиб чиқилиши менга ёқди, яшанглар”* дея ўз фикрини ёзиб қолдирган.

...Абдувосид Қаюмов *“Хусусий мол-мулкларни расмийлаштиришда кадастр харажатларини ҳам кўриб чиқиш керак, бож ва тўловлар юқори, битта уйни расмийлаштиришга 2-3 миллион сўм маблағ сарф этилмоқда”,* деб ёзади.

...Шерзодбек Ғозиев эса *“Депутатларга гапиришнинг ҳожати йўқ, булар барибир ўқимайди гапларингни”,* дейди.

Аммо биз барчасини ўқиймиз, таҳлил қиламиз ва албатта, шуғулланамиз. Масалан, қўмита йиғилишлари, қонун лойиҳаси бўйича тузилган ишчи гуруҳ семинарлари, фракция йиғилишларида ҳар бир қонун лойиҳаси муҳокама қилиниб, маромига етказилгач ялпи мажлисга олиб чиқилади.

Ялпи мажлисларнинг жонли тарзда эфирга узатилиши очиқ-ошкоралик принципининг энг юқори кўриниши. Янги Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятини ташкил этиш, жамоатчилик назоратини ўрганиш қонунлар аҳоли талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинишини таъминлайди. Бу эса ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда жуда муҳим.

**Умида РАҲМОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МАМЛАКАТ РИВОЖИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ

1 Давлатимиз раҳбарининг "Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун лойиҳасида бу борадаги муҳим янгиликлар ўз ифодасини топган.

Таклиф этилаётган лойиҳанинг мақсади — солиқ маслаҳати соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг асосий қоидаларини белгиловчи ҳамда самарали фаолият кўрсатадиган солиқ маслаҳатчилари институтини шакллантириш, солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, солиқ тўловчиларга малакали солиқ маслаҳати хизматлари кўрсатилишини таъминлашдан иборат.

Мазкур ҳужжатда "солиқ маслаҳатчиси ассистенти" тушунчаси киритилмоқда. Шунингдек, солиқ маслаҳати хизмати муайян билимни талаб қиладиган хизматлар турига кириши инобатга олиниб "профессионал хизматлар" деб фойдаланилмоқда ва уларнинг рўйхати кенгайтирилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан солиқ маслаҳатчиларига солиқ текшируви ўтказилганда, мижоз (ишонч билдирувчи) номидан асосланмаган сифатида солиқ маслаҳати бўйича хулосани мустақил равишда тақдим қилиш ва бошқа шу каби ҳуқуқлар берилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан самарали фаолият кўрсатадиган солиқ маслаҳатчилари институти шакллантирилади.

Мажлисда депутатлар томонидан қонун лойиҳаси юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилиб, ушбу ҳужжат концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.



## Экспортда юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқлар қачон бартараф этилади?

Мажлисда "Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда амалда бўлган "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида"ги қонунларда аккредитация жараёнларида манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлиб, бу жараёнда бетарафлик ҳамда холислик таъминланишининг қонуний асослари яратилмаган.

Соҳадаги манфаатдор идораларнинг вазифалари ва ваколатлари тўлиқ очиб берилмаган, аккредитация органи ваколатлари чеклаб қўйилгани сабабли бу аккредитация натижалари халқаро даражада тан олиниши имконини бермайди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан ҳозирда мавжуд аккредитация фаолиятини такомиллаштириш, халқаро стандартлар талабларига уйғунлаштириш орқали аккредитация органига қонуний тус берилиб, унинг холислиги ва бетарафлигини таъминлаш билан бирга, аккредитация натижалари халқаро майдонда эътироф этилишига замин яратилади.

Бу, ўз навбатида, маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилишда юзага келиши мумкин бўлган техник тўсиқларни бартараф этган ҳолда, республика экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ички ва ташқи бозорда ўз ўрни топишига имконият яратади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## Сертификатлаш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилади

Халқ вакиллари "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилди. Қайд этилганидек, озиқ-овқат, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини сертификатлаш соҳасида 2020 йилда 157 та ҳолатда 542,6 млрд. сўмлик, 2021 йилда 190 та ҳолатда 45 млрд. сўмлик товарлар партияси мажбурий техник регламент ва стандартлар талабларига номувофиқ деб топилган.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 214-моддасига мувофиқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача жарима қўлланилиши кўзда тутилган бўлиб, бу эса содир этилган қилмишнинг оғирлик даражасига ва келиб чиққан оқибатнинг хусусиятига мос келмайди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти маҳсулот, жараён, хизмат кўрсатиш масалаларида истеъмолчилар ва давлат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, савдода техник тўсиқларни бартараф этиш республика иқтисодиёти ривожининг устувор вазифалари ҳисобланади.

Ривожланган давлатлар тажрибаси юқоридаги устувор вазифаларни амалга оширишда стандартларни ихтиёрийлик тусида қўллаш механизмида фойдаланиш юқори самара берганлигини кўрсатмоқда.

Депутатлар томонидан айтиб ўтилганидек, таклиф этилаётган ўзгартишлар техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва сертификатлаш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик кучайтирилишига ҳамда халқаро стандарт нормаларининг миллий қонунчиликка имплементация қилинишига имкон беради.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан бир қатор таклиф ва тавсиялар билдирилиб, ушбу ҳужжат қабул қилинди.

## Ташқи бозорда рақобатбардошлик ошиши керак

"Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Ушбу ҳужжат юртимизда маҳсулотлар ва хизматлар умумий хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги техник регламентларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, қўллаш, мувофиқликни баҳолаш ва давлат томонидан назорат қилиш соҳаларидаги муносабатларни тартибга солишни назарда тутади.

Амалдаги қонунчилик бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш тизими маҳсулотлар эркин муомалага чиқарилишидан олдин мажбурий сертификатлаш шаклида (бозорга қадар) назорат қилишга асосланган эди. Замонавий халқаро ёндашув эса ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар ва импорт қилувчиларнинг хавфсиз маҳсулотларни бозорга етказиб бериш учун юридик жавобгарлиги ва бозор устидан кучайтирилган давлат назоратини назарда тутади.

Депутатларнинг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоялашга, ташқи бозорда рақобатбардошликни таъминлашга хизмат қилади.

Лойиҳада назарда тутилган ўзгартишлар маҳсулотларнинг хавфсизлик талабларини белгилаш орқали фуқаролар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, истеъмолчиларни чалғитадиган ҳаракатлар ҳамда савдо-сотиқдаги техник тўсиқларнинг олдини олишга қаратилган маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий нормаларнинг самарадорлигини амалга оширишга замин яратади.

Йиғилишда қонун лойиҳаси концептуал жиҳатдан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга эҳтиёж борми?

Мажлисда кўриб чиқилган навбатдаги ҳужжат — "Давлат божи тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси бўлди.

Биринчи ўқишда муҳокама қилинаётган лойиҳа билан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган тўловлар миқдорини фуқаролар учун тушунарли ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида оптималлаштириш вазифаси юклатилгани сабабли "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божини ундиришда ёки давлат божини тўлашдан озод қилишда юзага келаётган тушунмовчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат божидан озод қилиш, давлат божини ундиришнинг ўзига хос хусусиятларига аниқлаштирувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга, нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган айрим тўлов миқдорининг дифференциал тарзда ҳисоблаб чиқариш тартиби, уларни ундиришда тафовутлар келиб чиқишига ҳамда нотариуслар томонидан давлат божини ундиришда ва бу борада имтиёз қўллашда фуқаролар учун шаффофликни таъминлаш бўйича бир қатор давлат божи миқдорларининг ставкаларини оптималлаштириш кўзда тутиляпти.

Қизғин баҳс-мунозаралар, савол-жаволардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

## Назорат механизмлари янада такомиллашади

Депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам қизғин муҳокама қилдилар.

Қонун лойиҳаси билан фитосанитария чораларига риоя қилмаслик, шу жумладан, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлик, карантин остидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ҳамда унинг ҳудудидан олиб чиқиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принциплари таъминланади.

Шунингдек, лойиҳада белгиланаётган нормалар карантин остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, реализация қилишда зараркунандаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишга хизмат қилади.

Энг муҳими, ушбу ҳужжат билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунийлиги мустаҳкамланади, агентлик зиммасига юклатилган назорат механизмлари такомиллаштирилади.

Мажлисда депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, қонун лойиҳаси қабул қилинди.

## Электрон пул маблағлари яширин равишда талон-торож қилинса...

Мамлакатимизда барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда. Лекин айрим шахслар алдаш ёки инсонларнинг ишончини суиистеъмол қилиш орқали ўзгалар мулкини талон-торож қилаётган ҳолатлар учраётир. Яъни электрон тўлов воситаси ёки масофавий хизмат кўрсатиш тизимидан фойдаланиб, ўғирлик жиноятларини содир этмоқда.

Банк пластик карточкалари ва банк ҳисобварақларидан пул маблағларининг ўғрилик йўли билан талон-торож қилинаётгани фуқароларнинг жиддий эътирозларига сабаб бўлаётир. Хусусан, 2020 йилда шу мазмунда ички ишлар органларига 965 та, 2021 йилда 1 минг 601 та мурожаат келиб тушган. 2021 йилда банк пластик карточкаларидан пул маблағлари ўғрилик йўли билан талон-торож қилинганлик ҳолати юзасидан 610 та жиноят иши қўзғатилган. Мазкур жиноятлар "қаҳрамонлари" томонидан фуқароларга 4 млрд. 495,5 млн. сўм зарар етказилган.

Шунингдек, фуқаролар номига "онлайн кредит" орқали банк муассасасидан пул маблағларини ноқонуний равишда эгаллаш ҳолатлари содир этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мажлисда халқ вакиллари томонидан муҳокама қилинган мазкур ҳужжатда кўплаб янгиликлар ўз аксини топган.

Таъкидланганидек, бугунги кунда банк пластик карточкаларидан пул маблағларини ўғрилик йўли билан талон-торож қилиш ҳолатлари Жиноят кодексининг 169-моддаси (ўғрилик) билан малакаланади. Кўп ҳолларда фуқароларнинг банк пластик карточкаларидан оз миқдорда талон-торож қилинаётгани сабабли бундай қилмишда Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан айб эълон қилинади. Бу эса айбдор шахсларга нисбатан етарлича жазо чоралари қўлланилмаётганига, уларнинг ахлоқан тузалиш йўлига ўтмаётганига, такроран жиноий фаолият билан шуғулланишига олиб келмоқда.

Шу жиҳатдан, бу каби қилмишлар учун Жиноят кодексининг 168 ва 169-моддаларини оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жавобгарликни белгиловчи норма билан тўлдириш таклиф қилинмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон пул маблағларини яширин равишда талон-торож қилиш, фуқароларнинг ишончига кириб ҳисоб рақами ёки пластик картасидаги пул маблағларини ўғирлаш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Савол-жавобларга бой бўлган мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚАРО САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРАДИГАН ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

1 Яқинда мамлакатимиз пойтахтида ўтказилган "БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё давлатлари ўртасида минтақавий ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференция ҳам ана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Президентининг конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатида терроризмга қарши курашиш, шубҳасиз, комплекс ва кенг қамровли, ҳам глобал, ҳам минтақавий миқёсдаги самарали давлатлараро ҳамкорлик механизмларига эга бўлиши кераклигига алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Зеро, бу умумдунёвий хатарга фақат биргаликда бартараф бериш мумкин, бунинг бошқача йўли йўқ.

Шу ўринда юқори даражадаги мазкур конференция айнан Ўзбекистонда ўтказилгани рамзий маънога эга эканлигини таъкидламоқчимиз. Нима учун? Аввало, давлатимиз раҳбари анжуман иштирокчиларига мурожаатида бу глобал муаммони бартараф этишга қаратилган турли йўналишлар бўйича аниқ фикрларни билдирди. Демак, терроризмга қарши кураш мамлакатимиз етакчисининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Шу маънода, Ўзбекистон ушбу халқаро анжуманга мезбонлик қилишга ҳар томонла ҳақли эди.

Иккинчидан, вақт ўтган сари терроризмнинг хусусияти ўзгариб боряпти. Масалан, ҳозир кибертерроризм тушунчаси пайдо бўлган, криптовалюта билан боғлиқ вазиятни назорат қилиш анча қийин кечмоқда. Минтақамизда ҳам бу омиллар террорчилик фаолиятини молиялаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Учинчидан, Президентимизнинг таклифига биноан, муаммонинг ечими сифатида, биринчи навбатда, ёшларни тўғри йўлга бошлаш, улар билан фаол ишлаш зарурлиги илгари сурилди. Биламизки, террорчи гуруҳлар, асосан, ҳаётий тажрибасиз ёки дунёқараши заиф ёшларни ўз сафига жалб қилишга уринади. Буни дунёнинг турли минтақаларида фаолият олиб бораётган террорчилик гуруҳлари мисолида ҳам кўриб турибмиз.

Эътиборлиси шуки, нуфузли тадбирда қатнашган халқаро ташкилотлар вакиллари ва хорижий экспертлар Ўзбекистон томонидан илгари сурилган барча ташаббус ва таклифларни фаоллик билан қўллаб-қувватлади.

Халқаро тадбирнинг муҳим воқелиги, шубҳасиз, Тошкент декларацияси ҳамда Янгиланган қўшма ҳаракатлар режаси қабул қилингани бўлди. Кези келганда, Тошкент декларацияси Ўзбекистон дипломатиясининг катта ютуғи бўлганлигини мамнуният билан айтмоқчимиз.

Мазкур ҳужжат ўз мазмун-моҳиятига кўра, Терроризмга қарши кураш бўйича иккита Ашхобод декларацияси, Терроризмни келтириб чиқарувчи зўравонлик экстремизми ва радикаллашувга қарши курашда ёшларнинг ролини ошириш тўғрисидаги Самарқанд декларацияси ҳамда "Терроризм ва уни молиялаштириш манбалари, шу жумладан, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши ва уюшган жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ва минтақавий ҳамкорлик" мавзуидаги халқаро конференция якунлари бўйича қабул қилинган Душанбе декларациясининг изчил ва мантиқий давоми бўлганлигини айтиш зарур.

Ўз навбатида, Тошкент декларацияси ва Янгиланган қўшма ҳаракатлар режаси нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бутун дунёнинг терроризмга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатини бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради. Буни иштирокчилар ҳам таъкидлаб ўтишди.

Табиийки, Тошкент декларацияси ҳамда Янгиланган қўшма ҳаракатлар режасидаги келишув ва вазифаларнинг муваффақиятли амалга оширилиши биз, парламент вакилларидан катта масъулият талаб этади. Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатлари парламентлари ҳамкорлигини кучайтириш айни заруратдир. Зеро, минтақа давлатлари парламентлари ўртасида ўрнатилган икки ва кўп томонлама алоқалар барча аксилтеррор чораларни муҳокамадан ўтказиш ва қўллаб-қувватлаш учун нуфузли ва таъсирчан механизм бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, пойтахтимизда бўлиб ўтган нуфузли халқаро анжуман ҳамда унда қабул қилинган Тошкент декларацияси жаҳон ҳамжамиятининг "терроризм" деб номланган умуминсоний хатарга қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларига янгича суръат бериши билан катта аҳамиятга эга. Эндиги вазифа ушбу ҳужжатда белгиланган вазифаларни ҳамжиҳатлик билан рўёбга чиқаришдан иборат.

**Содиқ САФОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари.**

# ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА УНИНГ ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ БОРАСИДАГИ АҲАМИЯТИ

1 Мамлакатларнинг БМТ тавсияларига тўлиқ мос келадиган ҳаракатлар стратегиялари ишлаб чиқилди. Шу аснода Марказий Осиё давлатлари учун янада тартибли ва самарали мулоқотга киришиш, тажриба ва муҳим маълумотларни алмашиш, аксилтеррор ҳаракатлар салоҳиятини ошириш ҳамда ёлғиз эришиб бўлмайдиган натижаларни биргаликдаги интилишлар орқали қўлга киритиш имконияти пайдо бўлди. Қувонарлиси, бугун кўплаб нуфузли халқаро рейтингларда Марказий Осиё дунёнинг энг хавфсиз минтақалари қаторидан ўрин эгалламоқда.

Зеро, терроризмдек жирканч иллат ҳар бир миллат, халқ, минтақада барқарор ривожланишга, тинч аҳолига жиддий таҳдид сифатида қабул қилинади. Бу масалада барча мамлакатлар, халқаро тузилмалар, нодавлат ташкилотлар биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Ҳеч бир давлат мустақил равишда бу муаммони ҳал эта олмайди. Юқори даражадаги Тошкент конференциясида ҳам бу фикрлар эътироф этилди. Чунки вақт ўтган сари терроризмнинг хусусияти ўзгариб боряпти. Масалан, ҳозир кибертерроризм тушунчаси пайдо бўлган, криптовалюта билан боғлиқ вазиятни назорат қилиш анча қийин кечмоқда. Минтақамизда ҳам бу омиллар террорчилик фаолиятини молиялаштиришга хизмат қилиши ҳеч гап эмас.

Кейинги йилларда бевосита Ўзбекистон Президентининг сиёсий иродаси ва ташаббуси билан минтақамизда ижобий ўзгаришлар юз берди, минтақа мамлакатлари ўртасида дўстлик, ўзаро манфаат ва ишонч тамойилларига асосланган яхши қўшничилик муносабатлари изчил ривож топди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари мамлакатларимизнинг минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш бўйича улкан салоҳиятини юзага чиқаришга ёрдам бермоқда.

Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида кўрар экан, минтақа давлатлари афғон халқига гуманитар ёрдам кўрсатмоқда, тинч иқтисодиётни қайта тиклашга ва ушбу мамлакатнинг минтақавий савдо-иқтисодий алоқаларга қўшилишига ҳар томонлама кўмаклашмоқда. Мақсад Афғонистонда муҳим ижтимоий ва иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш орқали террорчиликни келтириб чиқарадиган ижтимоий муаммоларни ечишдан иборат.

Мамлакатимиз БМТнинг Глобал аксилтеррор стратегиясини қўллаб-қувватлаган, терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш бўйича 14 та халқаро конвенция ҳамда протоколни ратификация қилган. Бундан ташқари, бу борада мамлакатимизда "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон терроризмга қарши кураш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан ёндашиш, виждон эркинлигини таъминлашда халқаро ҳуқуқларни қўллаш соҳасида ҳам амалий ишларга қўл урмоқда. Бу йўналишда Ўзбекистон томонидан халқаро майдонда илгари сурилаётган ташаббусларни халқаро ҳамжамият фаол қўллаб-қувватлаётир. Глобал аксилтеррор стратегиясида таъкидланганидек, терроризмга қарши курашиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга ошириладиган таъсирчан чора-тадбирларнинг бири бошқасини асло инкор этмайди.

Аксинча, улар ўзаро бир-бирини тўлдириб, терроризм жабрдийдаларининг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш учун ниҳоятда зарур ҳисобланади. Халқаро конференцияда инсон ҳуқуқлари масалаларига катта эътибор қаратилгани, таъбир жоиз бўлса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг янги Ўзбекистонни бунёд этиш йўлида илгари сурган "Инсон қадри учун" тамойили билан ўзаро уйғун ва ҳамоҳангдир. Энг асосийси, террорчиликка қарши кураш ва бунинг баробарида инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ўз ифодасини топган.

Инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетар экан, Тошкент халқаро анжуманида Ўзбекистоннинг бу йўналишдаги амалий ҳаракатлари яна бир бор эътироф этилганини айтмоқчиман. 2019 йилдан буён Ўзбекистон Сурия, Ироқ ва Афғонистондаги аёллар ва болаларни қайтариш бўйича бешта "Меҳр" операциясини ўтказди. Можароли ҳудудлардан мамлакатга жами 531 нафар киши олиб келинди. Жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистоннинг ўз фуқароларини можаро зоналаридан, шу жумладан, Ироқ ва Суриядан Ватанига қайтариш ва реинтеграцияси бўйича ҳаракатларини олқишлади.

Халқаро экспертларнинг фикрича, бу саъй-ҳаракатлар болаларни жабрланувчилар сифатида тан олишга ҳамда болалар ва аёллар учун гендер масалалари инобатга олинган ҳамжамиятлар даражасидаги реинтеграция дастурлари ёрдамида уларнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлигига асослангани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Янада муҳими, кучли техник ёрдам кўрсатиш ва инсон салоҳиятини кучайтириш орқали уддаланган ушбу саъй-ҳаракатлар инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, демократияни ривожлантириш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ватанга қайтиб келган болалар, аёллар ва оилаларнинг жамиятга қайтадан интеграциялашуви, бир томондан, уларнинг ижтимоий жиҳатдан яккаланиб қолишига барҳам берса, иккинчи томондан, жамиятда камбағалликни камайтириш орқали тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлайди.

Мамлакатимизда бундай тадбирлар изчил давом этади. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясидаги олтинчи устувор йўналиш "Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш" деб номланган. Ушбу устувор йўналишда белгиланган амалий чора-тадбирлар бу борада келгусида янги натижаларга эришишда муҳим аҳамият касб этади.

"БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режаси доирасида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги" мавзуидаги халқаро конференцияда Тошкент декларацияси ҳамда Қўшма ҳаракатлар стратегиясининг янги таҳрири тасдиқланди. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон дипломатиясининг катта ютуғи бўлди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, глобал таҳдидларга қарши кураш бўйича Тошкент анжумани ва декларацияси бир қатор омилларга кўра, муҳим аҳамиятга эга.

Биринчидан, халқаро анжуман БМТнинг Марказий Осиё мамлакатларида Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш режасини халқаро майдонда татбиқ қилиш бўйича амалий тажриба алмашиш имконини берди.

Иккинчидан, форум доирасида терроризмга қарши курашиш билан боғлиқ жараён, хусусан, мазкур иллатнинг мафкуравий, ташкилий, ҳуқуқий, психологик ва техник жиҳатлари чуқур таҳлил этилди.

Учинчидан, Тошкент декларациясининг амалдаги рўёби терроризмга қарши курашда умумий тамойиллар ва ёндашувларга доир минтақавий консенсусни мустаҳкамлаш, ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ҳамкорликнинг таъсирчан механизмларини яратиш имконини беради.

Тўртинчидан, минтақа мамлакатлари терроризмга қарши кураш бўйича ўз миллий тизимларини янада мустаҳкамлайди. Шу аснода давлатларимиз учун янада тартибли ва самарали мулоқотга киришиш, тажриба ва муҳим маълумотларни алмашиш, аксилтеррор ҳаракатлар салоҳиятини юксалтириш ҳамда ёлғиз амалга ошириб бўлмайдиган натижаларга биргаликдаги интилишлар орқали эришиш имконияти пайдо бўлди.

16 банддан иборат Тошкент декларациясида иштирокчилар халқаро тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид солаётган, барқарор тараққиёт ва инсоннинг универсал ҳуқуқларини таъминлашга тўсқинлик қилаётган терроризмнинг барча шакл ва кўринишларини қатъий қоралашларини яна бир бор баён қилди. Терроризмни қайсидир дин, миллат ёки этник гуруҳ билан боғлаш мумкин эмаслиги, динлараро, этник ва маданиятлараро бағрикенглик ва мулоқотга кўмаклашиш учун барча саъй-ҳаракатларни давом эттириш йўлидаги аҳдлашувлар, Марказий Осиё давлатларининг терроризмга қарши кураш ва унинг олдини олишда коллектив ҳамда индивидуал чораларни кўришда давом этишга келишиб олинганлиги ҳам халқларимизнинг хавфсизлиги, мамлакатларимизнинг тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хуллас, Ўзбекистон халқаро майдонда терроризмга қарши курашда фаол. Халқаро аксилтеррор коалициялар фаолиятини изчил қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, мамлакатимиз БМТ Аксилтеррор қўмитаси ва МДҲ Аксилтеррор маркази фаолиятида қатнашиб келади.

Умуман олганда, Тошкент халқаро конференциясида БМТ Глобал аксилтеррор стратегиясини амалга ошириш бўйича Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг ноёб тажрибаси тақдим этилди.

Шунингдек, анжуманда терроризмга қарши кураш борасидаги халқаро ва минтақавий саъй-ҳаракатларни бирлаштиришда БМТнинг ролини кенгайтириш ва давлатлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ушбу мураккаб жараёнларда инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлигини таъминлаш истиқболлари намоён бўлди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 348. 30 067 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 03.10 1 2 3 4 5 6